

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жонузоқов Тўлқин

Термиз давлат университети 1-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8001210>

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати унинг инсоният цивилизацияси ривожига, фан, маданият ва таълимга қўшаётган ҳиссасига бевосита боғлиқ. Бу жараёнда олий таълим, жамият, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнларининг асосий, етакчи омилларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутади. Сўнгги 10 йил ичидаги турли фаолият соҳаларида маркетингдан фойдаланиш билан боғлиқ вазият шу қадар ўзгардики, олий таълим муассасалари ўз дастурларида маркетинг бўлмаган ҳолда қандай бошқариши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Аммо олий таълим маркетинги деганда ОТМлар нимани тушунишади? Кўпинча талабаларни жалб қилиш ва жозибадор университет веб-сайтини ривожлантиришга қаратилган жуда чекланган фаолиятни назарда тутадилар. Ҳатто маркетингнинг ватани бўлган АҚШда ҳам кўплаб университетлар шу билан чекланиб қолган, буни Америка Маркетинг Ассоциацияси томонидан 12 йил давомида олий таълим маркетинги бўйича ҳар йили ўтказиладиган симпозиумлардаги маъруза мавзулари тасдиқлшини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасалари Маркетингни бошқариш, уни такомиллаштириш масалалари билан К.М.Алмакучуков¹, Д. Назарова², Д. Набиев³ каби олимлар шуғуланишган ва тадқиқот ишлари давомида салмоқли натижаларга эришилган, олий талим тизимида маркетинг фаолиятини бошқариш масалалари тўлиқ ўрганилмаган.

Масалан, Г.Н. Ахунова олий талим тизимида маркетинг таҳлили асосида маркетологларнинг кучларини маркетинг хизматларини кўрсатиш бўйича Республика марказида жамлаш ҳамда унинг зиммасига зарурый таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни кондириш йўлларини жорий этиш ва истикболдаги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш, таълим хизматлари бозорининг ахволини ўрганиш, кадрларни тайёрлаш ва бошқа масалаларни хақ тўлаш асосида бажариш бўйича функцияларни юклашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб берган⁴.

Ўзбекистонда олий таълим муассасалар(ОТМ) сони 159 тани ташкил этмоқда. Таъкидлаш лозимки, ОТМлар сони 1991 йилда 52 та, 2000 йилда 61 та, 2010 йилда 65 та ва 2016 йилда 77 тадан иборат эди (1-расм).

¹ Алмакучуков К.М. Технологии управления маркетингом в вузе // Высшее образование Кыргызской Республики. – 2008. – 2/12. – с.44-50

² Nazarova D. Ta'l'm xizmatlari marketingida axborotni boshqarish // Jamiyat va boshqaruv. – 2010. – 3. – 65-67-b

³ Набиев Д. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом. наук. – Ташкент, 2009. – 48 с.

⁴ Axunova G. O'zbekistonda ta'l'm xizmatlari marketingi muammolari: Monografiya. – Toshkent. – 2005. – 244 b.



1-расм. Ўзбекистонда ОТМлар сони ва динамикаси⁵

ОТМнинг таълим хизматлари бозоридаги мавқеи ҳал қилувчи даражада давлат томонидан унга қандай мавқе берилганлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан, ОТМлар таркиби 28 та университет, 47 та институт, 3 та академия, 1 та консерватория, 26 та филиал, 30 та хорижий ОТМ ва унинг филиаллари, 24 та нодавлат ОТМлардан иборат (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ОТМларнинг ташкилий тузилиши⁶

№	Ташкилий тузилиши	ОТМ сони
1	Университет	28
2	Институт	47
3	Академия	3
4	Консерватория	1
5	ОТМ филиаллари	26
6	Хорижий ОТМ ва унинг филиаллари	30
7	Нодавлат ОТМ	24
Жами		159

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 159 та ОТМлар тўлиқ регламентация қилинади. Шундай бўлсада, 105 та давлат олий таълим муассасалари тегишлилиги бўйича вазирлик ва идоралар тасарруфига бириктирилган. Жумладан, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига 53 та, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 5 та, Соғлиқни сақлаш вазирлигига 11 та, Маданият вазирлигига 9 та, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига 7 та ҳамда бошқа вазирлик ва идораларни кузатиш мумкин. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасарруфига 53 та ОТМ кузатилсада, хорижий ОТМ ва унинг филиаллари (30 та) ва нодавлат ОТМлар (24) биргаликда 54 тани ташкил этмоқда. Бундай ёндошув ва ОТМларнинг мавжуд ташкилий-иқтисодий асослари рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган. Бу эса табиий равишда сифатни яхшиланишига ва хизматлар нархининг пасайишига олиб келади (1-илова).

ОТМларни ҳудудий ташкил этиш борасидаги камчиликларга барҳам бериш мақсадида мамлакатнинг барча ҳудудларида ОТМлар ташкил этилмоқда. Бу борада энг юқори кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (10 та), Самарқанд (13 та) ва Фарғона вилояти (11 та), айниқса Тошкент шаҳрига (72 та) тўғри келмоқда. Бу эса ҳали ҳам

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

ОТМларни ҳудудий ташкил этиш борасидаги номутаносибликларни мавжуд эканлигидан далолат беради.

Албатта, илмий-техник ҳамда иқтисодий салоҳиятнинг йирик шаҳар марказларига тўпланиши табиий жараён ва шу боис ОТМларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида жойлашган. Бироқ, Тошкент шаҳрига жами ОТМларнинг 45,3 фоизи ва жами абитуриентларнинг 28,3 фоизи тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида мос равишда 6,3 ва 6,2 фоиз, Самарқанд вилоятида 8,2 ва 8,6 фоизни ташкил этмоқда. Диагностик усуллар орқали “оғриқли нуқталар”га эътибор берсак, юқори даражада ОТМ ва абитуриентлар сони ўртасидаги номутаносиблик кузатилади. Жумладан, баланс индекси паст бўлган ҳудудлар сифатида Навоий (0,361), Наманган (0,380), Сирдарё (0,448) ва Қашқадарё (0,551) вилоятлари кузатилади. Барқарорлик кўрсаткичига эга ҳудудлар таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларини киритиш мумкин. Тошкент шаҳрида эса меъёрий балансдан 1,6 индексда юқори кўрсаткич кузатилади.

Фикримизча, олий таълим хизматлари имкони борича истеъмолчиларга яқинлаштирилган ҳолда тақдим этилиши лозим. Чунончи, қабул квотасидаги 1 та ўринга 14-15 та абитуриентнинг давогарлик қилиши мақбул ҳодиса эмас, балки олий таълим олишга реал талабнинг амалда тўлиқ қондирилмаётганлиги, деб қаралиши лозим. Олий таълимнинг қамров қўлламининг етарли эмаслиги эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салбий таъсир этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий таълим муассасалаларида маркетинг фаолиятини ривожлантириш учун институтционал ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш зарур. Шунингдек, олий таълим муассасамаркетинг бўлимининг професионал фаолиятни амалга ошириши, рақобатчиларни ўрганиш, истеъмолчиларни тадқиқ этиш, таълим фаолиятини бошқариш, таълим хизматлари ва дастурларининг янги ғояларини ташкил қилиш, хизматларга нарх белгилаш, таълим хизматларини илгари суриш ва самарали сотувни ташкил қилиш ҳамда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

References:

1. Алмакучуков К.М. Технологии управления маркетингом в вузе // Высшее образование Кыргызской Республики. – 2008. – 2/12. – с.44-50
2. Nazarova D. Ta'lim xizmatlari marketingida axborotni boshqarish // Jamiyat va boshqaruv. – 2010. – 3. – 65-67-b
3. Набиев Д. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом. наук. –Ташкент, 2009. – 48 с.
4. Axunova G. O'zbekistonda ta'lif xizmatlari marketingi muammolari: Monografiya. – Toshkent. – 2005. – 244 b.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.
6. Rejarov Xayrillo Xikmatullayevich KADRLAR TAYYORLASH TIZIMI VA MEHNAT BOZORINING IQTISODIY ALOQALARINI RIVOSHLANISH YO'NALISHLARI // Экономика и

финансы (Узбекистан). 2022. №3 (151). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kadrlar-tayyorlash-tizimi-va-mehnat-bozorining-iqtisodiy-aloqalarini-rivoshlanish-yo-nalishlari>

7. Rejapov, Xayrillo Xikmatullayevish. "YAPONIYA OLIY TA'LIM TIZIMI XUSUSIYATLARI." (2022).

